

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОҚ ВА СУВ  
ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ  
Гидромелиорация факультети

**Педагогика, психология ва уқитиш методикаси**

**Фан: Тарбиявий ишлар методикаси**

**Мавзу: Тарбиявий ишларни режалаштириш ва  
унга қўйилган педагогик талаблар**

**Маъruzachi: Химматалиев Дустназар Омонович**

# РЕЖА

1. Гурух ўкувчиларининг дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятини режалаштиришнинг ўзига хослиги.
2. Ҳар бир синф жамоасининг тарбияланганлик даражаси.
3. Ўкувчиларнинг оилавий ҳаёти, ота-онанинг фарзанд тарбиялашдаги бурчи ва вазифасини қандай ҳис этиши.
4. Ўкувчиларнинг шарқона миллий урф-одат, анъаналар ҳакидаги билим даражаси.

# Ётоказоналарда тарбиявий ишларни ташкил килиш

- Ўқувчиларнинг аксарият қисми учун ётоказона ўқиши йиллари мобайнида иккинчи уйга айланиб қолган. қатор билим юртларида ётоказоналарда ўқувчиларнинг 50 фоиздан кўпроғи истиқомат қиласди. Ётоказоналардаги ишлар ўз хусусиятларига эга бўлиб, педагоглар уларни ҳисобга олишлари зарур. Тарбиявий ишни амалга ошириш тизимиning марказида ҳар бир фан ўқитувчиси туради.

# **Ётөңхона бүйича навбатчи ўқитувчи фаолияти**

**Бу умумий фаолият:**

- Талабаларда ижтимоий фаолликни уйғотиши;
- ётөңхонада туб маңнодаги жамоани таркиб топтириши;
- ҳар бир талабада ахлокий, эстетик, меңнат ва инсоний тарбияни амалга ошириши;
- ўкувчиларда умуминсоний ҳислатларни тарбиялаш, санитария- гигиена қоидаларига амал қилиш эхтиёжларини уйғотиши;
- ўқиётган фанлари бүйича мустақил ишлаш күнікмаларини шакллантиришига қаратылади.

# **Талабалар кенгаши тузилиши**

- **Талабалар кенгаши раиси**-ҳамма иш учун жавобгарликни зиммасига юклатилган талабалар кенгаши иш фаолиятининг ташкилотчиси ва бошқарувчисидир. У ҳар бир ўкув йили олдидан тузилган ва ўкув юрти маъмурияти томонидан тасдиқланган режа асосида йиғилишлар ўтказади, ҳамма шуъбалар иш фаолиятини назорат қиласи, зарур ҳол-ларда амалий ёрдам беради.
- **Кенгаш раиси**-талабалар билан билим юрти маъмурияти ўртасида алоқа ўрнатади. Ётоқхонада яшовчи талабалар орасида барча ташкилий ва сиёсий – тарбиявий тадбирларни ўтказишда бош бўлади.
- **Маънавий-маърифий ишлар раис ўринбосари**- маданий–оммавий ишлар, академик, матбуот ва кўргазмали ташвиқот, спорт, қизиқишлиар бўйича клублар шуъбалари ишини ташкил этади ва бошқаради.

## Талабалар кенгаши раисларининг хизмат бўйича

**ўринбосари** – сангигиена, қаватлар, секциялар ва хоналар бошлиқлари ишини ташкил этади, бошқаради ва назорат қилади, Талабалар кенгаши аъзоларидан ва талабалардан ётоқхона қоравулига ёрдам бериш учун навбатчилар тайинланишини ташкил этади.

**Ташкилий шуъба** – талабалар кенгаши йиғилиши учун материалларни тайёрлайди, муқобил ва кундалик иш режаларининг бажарилишини, иш юритишининг олиб борилишини, талабалар кенгаш қарорларининг бажарилишини, умумий йиғилишларни мунтазам назорат қилади.

**Маданий – оммавий ишлар шуъба – маданий тадбирларни** – (маъруза, суҳбат, мунозара, савол-жавоб кечаси, саёҳат ва маданий сайр, фестивал, дам олиш кечаси ва ҳ.о.) тайёрлайди ва ўтказади.

**Академик шуъба**- факультатив ва қўшимча дарс соатларини уюштиради ва ўтказади. Илмий тўгараклар ишини, етакчи олим ва мутахассислар билан учрашувлар ташкил этишда методистларга ёрдам беради.

# Ётоказоналарда ўқувчилар кенгашиниң вазифалари

*Ётоказоналарда ўқувчилар кенгашиниң вазифалари* – ўқув юрти маъмурияти, касаба уюшмалар кўмитаси, ёшлар иттифоқига ётоказоналарда турли тадбирларни уюштириш ва утказишда ёрдам бериш учун ўқувчилар умумий мажлисида очик овоз бериш йўли билан сайланган ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилотидир.

# **Тарбиявий ишларни ташкил этишда ота- оналар мавқеини кучайтириш мақсадидаги тавсиялар**

- “Таълим түғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” даги талабларга риоя этиш ва уларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиш;
- оила, жамоатчилик алоқаларини мустаҳкамлашда кўмаклашиш;
- ёшларга ягона тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадида педагоглар жамоалари, “Камолот” ёшлар-ижтимоий ҳаракати ташкилоти, оталиқ корхоналар оила ҳамда таълим муассасасига кўмаклашиш кенгашлари куч-ғайратларини бирлаштириш;
- ёшларни маънавий қадриятлар билан таништириш;
- ёшлар назоратсизлиги ва ҳуқукбўзарлигининг олдини олиш ишида иштирок этиш ва ҳ.к.

# Мутафаккирлар ва олимларнинг баркамол инсонни етиштиришдаги асосий фикрлари

«Эй ўғил, фарзандларингни тарбиялашдан аввал ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оиласда баодоб, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади». **(А.Л.Самарқандий)**


«Кимга қандай панду насиҳат қилсанг, унга аввало ўзинг амал қил». **(Ибн Сино)**

Уқув қайда бўлса, улуғлик бўлур,  
Билиг кимда бўлса, бедуглу алур.  
Уқушлуғ укар-ул, билиглиг билир,  
Билигли, уқугли тилакка тегир. **(Юсуф Хос Хожиб)**

«Мураббий болага насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларида  
қатъий туриши, уларга риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга  
панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар  
мураббий насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик  
билан мурожат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамида мулойим ва  
хушфеъл бўлиш мақсадга мувофиқдир\*» **Кошифий**

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Чориев Р.К, Каримов А.О « Ётокхоналарда тарбиявий ишларни олиб бориш буйича тавсиялар».ТИКХМИИ. 1995.
2. С.П.Баранов. Педагогика. Тошкент.,Уқитувчи, 1990.
3. Ю.П.Азаров. Тарбиявий иш методикаси. Тошкент, уқитувчи, 1991.
4. К.Хошимов., С.Очил. Узбек педагогикаси антологияси. Тошкент.Уқитувчи, 1995.
5. И.А.Каримов. Буюк максад йулидан огишмайлик. Тошкент, «Убекистон», 1993.
6. К.Ж.Мирсаидов, З.К.Исмоилова Тарбиявий соатларни утказиш буйича тавсиялар.ТИКХМИИ.1996
7. З.К. Исмоилова. Педагогикадан амалий машгулотлар.Тошкент «Фан».-2001.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ